

“Исломий G8” ўзининг тўлов картасини яратади



07:00 / 23.01.2019 1472

“Исломий G8” ташкилоти унга аъзо мамлакатлар орасида савдо-сотиқни йўлга қўйиш учун ўзининг тўлов картасини яратишини маълум қилди. Ташкилот Бош котиби Дато Ку Жафар Ку Шаарининг маълум қилишича, карточкани яратиш ҳақидаги қарор Туркия Президенти Ражаб Тоййиб Эрдўғоннинг аъзо давлатлар орасида миллий валютада савдо-сотиқ қилишни таклиф этганидан сўнг қабул қилинган. “Янги карта буни амалга оширишга имкон беради”, деди Ку Шаари. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган “Ислом саккизталиги” ёки G8 деб аталувчи ушбу халқаро ташкилот 1997 йилда ташкил топган бўлиб, у Бангладеш, Миср, Нигерия, Индонезия, Эрон, Малайзия, Покистон ва Туркия давлатларини ўз ичига олади.

Islom.uz портали тахририяти